БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мафтуна Қурбонова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Самариддин Қораев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари, бу борада амалга оширилган тадқиқотлар ҳамда вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, билим, кўникма, малака, компетенция, методика, метод.

PROBLEMS AND WAYS TO IMPROVE STUDENT LEARNING COMPETENCIES IN PRIMARY EDUCATION

Maftuna Kurbonova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Samariddin Korayev
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the challenges of forming students' cognitive competences in primary education and how to overcome them, as well as research and tasks done in this regard.

Keywords: memory, attention, operation, formation, activation, method.

КИРИШ

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, шу билан бир қаторда ҳаётнинг барча

соҳаларида янгидан-янги ютуқларга эришиш бугунги куннинг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичи узлуксиз таълим тизими олдига ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичлари-дан бири бўлган - бошланғич таълим муҳим ўрин тутади. Бинобарин, мазкур босқичда ўқувчиларга илмий билимларни пухта ва чуқур ўргатиш уларнинг тафаккурини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис республикамиз раҳбарияти бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш, уни илғор ғоялар билан бойитиш, бу даврда ўқувчиларнинг чуқур билим олишларига имкон берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1-4].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бошланғич синфларда ташкил этилаётган таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўқув фанларининг бошланғич асосларини пухта ўзлаштириш билан белгиланади. Узлуксиз таълим тизимининг бу босқичида ўқувчиларга фан ва унинг асослари ҳақидаги билимларнинг муайян тизим асосида берилиши, ўқув фаолиятининг ўқувчилар фаоллиги, мустақиллигига асосланиши уларда фанни билишга бўлган қизиқишни шакллантиради. Таълим жараёни шароитларида маълум объект, ҳодиса ва жараённи кузатиш, кичик амалий тажрибаларни ташкил этиш каби методлар билан бойитилиши ўқувчиларда шаклланган қизиқиш даражасини оширади ва унинг барқарор хусусият касб этишига замин яратади [5].

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида билимларнинг ўқитилиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш бу жараёнда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Бизнинг назаримизда муаммоларнинг сабаблари қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- бошланғич таълим ўқитувчиларининг аксарияти ўқув жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, технологик ва компетенцияли ёндашув кўникмаларига, педагогик технологиялар, ўқувчиларда билишга бўлган қизиқишни шакллантириш тўғрисидаги методик мажмуаларга эга эмасликлари;

- зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган ўқувчиларни тайёрлашга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларнинг тўлиқ яратилмаганлиги;

- ўқитувчилар учун машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги авлод ўқув-методик материалларининг, хусусан, интерфаол ўқув мажмуаларининг етарли эмаслиги;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияла-рини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришга ҳамда ижодий фаоллигини оширишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпганлиги;

- ўқув материалининг мазмуни ривожлантирувчи ўқитиш принципини амалга оширишни тўлиқ таъминламаяпганлиги ҳамда муаммоли топшириқлар сони етарли эмаслиги;

- ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчилар-нинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларининг етарли эмаслиги;

- ўқувчиларда ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бошланғич синф ўқувчисининг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни ривожланишига оид Давлат талаблари асосида ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўқувчиларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш, ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга билим беришда компетенцияли ёндашув бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Ўқувчиларга таълим беришда мазкур ёндашув ўсиб бораётган шахсни ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни мустақил ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, фаолият методларини шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутади. Шу сабабли, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришда замонавий таълим методикаси ва методлари имкониятларидан унумли фойдаланишнинг назарий-амалий асосларини такомиллаштириш муҳим.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш йўлларини тадқиқ этиш, хусусан, ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантириш учун машғулотларни замонавий ташкил этиш ва ўтказишнинг методик асосларини чуқур ўрганиб, таҳлил этган ҳолда тегишли услубий тавсиялар, интерфаол ишланмалар ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш вазифаси аниқланди.

Ўрганилаётган муаммолар аспектида асосий қизиқишни, яъни: ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш бўйича ишлар; «Компетентлик», «компетенция», «компетенцияли ёндашув» тушунчалари; таянч компетенциялар, уларни лойиҳалаш технологиялари, таянч компетенциялар структураси; ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этишнинг педагогик асослари кабилар етук тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилган [6-12].

Юқорида таҳлил этилган ишлар асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришда мустақил ишларни самарали ташкил этиш методикаси, шакллари, методлари зарурий даражада қўлланилмайди ҳамда ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини яратишга оид илмий-услубий тадқиқот ишлари жуда кам деган хулосага келиш мумкин.

Шу мақсадда қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш ва ўқув амалиётига жорий этиш долзарб деб ҳисоблаймиз:

- ўрганилаётган компетенцияларнинг компонентли таркибининг психологик-педагогик характеристикасини аниқлаш билан «ўқув-билиш компетенцияси» тушунчаси моҳиятини аниқлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришнинг педагогик вазифа (ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятларини ўрганиш, машғулотларни аниқ мақсадга асосланувчи лойиҳа асосида ташкил этиш, ўқув-билиш компетенцияларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш, унга имкон берувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш)ларини аниқлаш;

- назарий қоидаларни таҳлилига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил иш фаолиятида ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш-нинг педагогик шартлари: босқич (тайёргарлик, операцион-фаолиятли, якуний-рефлексив)лар кетма-кетлигига амал қилиш; ўқувчиларни лойиҳалаш фаолиятига жалб этиш; ностандарт муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни бартараф этиш методларини шакллантириш; портфолиодан ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш ва баҳолаш инструменти сифатида фойдаланишни илгари суриш ва самарадорлиги исботлаш;

- аниқ мақсадли, мазмундор, процессуал, натижали ҳамда антропологик, тизимли, фаолиятли, компетентли ёндашув компонентларидан тузилган ўқувчилар ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришнинг мақсадли-натижавий моделини ишлаб чиқиш;

- бошланғич синфларда фнларни ўқитишда ижодий муҳитни яратиш мақсадида уни юзага келтиришнинг дидактик асосларини ҳамда ўқувчилар

ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш самарадорли-гини оширишга қаратилган “Мунтазам билим олишга интиламиз” дастурини ишлаб чиқиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган мустақил ишларни ташкил этишнинг методика ва методларини тизимлаштириш;

- ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенциялари шаклланганлигини асословчи компонент (мотивацион, когнитив, операционал-технологик, рефлексив-баҳолаш)лар кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш;

- ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришнинг дастурли-методик таъминоти («Мунтазам билим олишга интиламиз!» дастури, мустақил ишларни ташкил этиш бўйича ўқув-методик комплекс, диагностика, методик тавсияномалар)ни назарий асослаш ҳамда тажрибавий апробация қилиш;

- ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантириш даражаси ва аҳволини аниқлаш мақсадида педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш.

ХУЛОСА

Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш бошланғич таълим ўқитувчиларидан касбий маҳоратни, ўз устида мунтазам ишлашни, замонавий ўқитиш методика ва методларидан хабардор бўлиш кабиларни талаб этади. Бу эса ўз навбатида бошлнғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони. Тошкент. 2018 йил 5 сентябрь. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 06/18/5538/1840-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712 Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқаришнинг янги принципларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сон қарори.
5. К.Азизова. Бошлангич синфда интерфаол методлардан фойдаланиш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:. – 2018. – Б.76.
6. С.И.Константинова. Формирование учебно-познавательной компетентности у учащихся старшей профильной школы : автореф. дис. .канд. пед. наук / С.И. Константинова. - СПб., 2006. - 22 с.
7. Ю.В.Пестерева. Реализация компетентностного подхода в процессе построения содержания образования в начальной школе: дис. . канд. пед. наук: 13.00.01/ Пестерева Юлия Владимировна. - Майкоп, 2001. 198 с.
8. И.А.Зимняя. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. - М: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. - 2004.
9. А.В.Хуторской. Ключевые компетенции как компонент личностно-образовательной парадигмы образования [Текст] / А.В. Хуторской // Народное образование. - 2003. - № 5.- С. 58-64.
10. Ж.Толипова. Ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш // Халк таълими. - Тошкент, 2002. - № 4. - Б. 102 - 103 .
11. О.А.Қўйсинов. Мустақил таълим олиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини шакллантириш. / Таълим жараёнида мустақил тафаккур ривожланиши: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. - Б.98- 99.
12. Н.Н.Крафт. Психолого-педагогические основы формирования умений самостоятельной учебной работы в младшем школьном возрасте [Текст]: дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 / Н.Н. Крафт. - Майкоп, 2000. - 211 с.
13. Qurbanova, M. F. (2020). Methods for improvement of training competitions for classifications leading on the organization of independent works. *Экономика и социум*, *8*, 432-437.
14. Қурбонова, М. Ф. (2020). Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари. *Халқ таълими*, *3*.
15. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.

16. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
17. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286.
18. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
19. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
20. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286
21. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
22. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и переспективы интеграционого обучения. Журнал научных и прикладных исследований, 1, 54-55. 10.
23. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. Science and World, 1(77), 32-33.
24. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. Test Engineering & Management, 83, 693-702.